

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ, САМАРҚАНД  
ШАҲАРДАДА**  
**ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТИ ҲИСОБИДАН ХУСУСИЙ  
МАКТАБ МУАССАСАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА**  
**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАСИ**



**САМАРҚАНД-2019**

# **МУНДАРИЖА**

<b>ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ .....</b>	<b>2</b>
<b>ЛОЙИХАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРХИ.....</b>	<b>3</b>
<b>БИЗНЕС ЛОЙИХАНИНГ ТАВСИФИ.....</b>	<b>4</b>
КИРИШ.....	4
ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ .....	5
ЛОЙИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ.....	7
ЛОЙИХА АСОСИГА ҚҮЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР.....	7
ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ ХАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ.....	8
<b>ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАВСИФИ .....</b>	<b>9</b>
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИ ШАРХИ .....	9
КОРХОНА ҚУВВАТЛАРИ.....	10
ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ .....	12
ИШЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ.....	13
ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ.....	13
<b>ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ .....</b>	<b>14</b>
ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРҲ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	14
SWOT (АЗИТ) ТАҲЛИЛИ .....	15
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ .....	15
<b>ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>16</b>
УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ .....	17
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ .....	20
ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИГА САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ .....	21
ИШЧИ КУЧИГА САРФ ХАРАЖАТЛАРИ .....	23
ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИГА САРФ ХАРАЖАТЛАРИ .....	24
АММОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ .....	25
ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАРҲИСОБИ .....	26
КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ РЕЖАСИ .....	27
ДАРОМАДЛАР, ХАРАЖАТЛАР ВА ФОЙДА ҲИСОБИ .....	33
<b>ЭКОЛОГИК ТАЛАБ .....</b>	<b>34</b>
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>35</b>
<b>ИЛОВА .....</b>	<b>36</b>

## **ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ**

---

---

**Ушбу хужжатхусусий мактаб раҳбарияти буюртмаси асосида тайёрланган бўлиб, йўлга қўйилиши режалаштирилаётган лойиҳанинг молиявий – иқтисодий, ташкилий ва маркетинг таҳлилларини ўз ичига олади.**

**Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар, хусусий мактаб раҳбарияти ва хусусий мактабнинг келгусидаги иш фаолиятини акс эттириб махфий характерга эга.**

**Ушбу хужжат ҳусусий мактабнинг мулки ҳисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошқа шахсларга ошкор этиш ҳусусий мактаб раҳбари ихтиёридадир.**

**Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни ҳусусий мактабраҳбарининг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошқа шахсларга сотиш ёки тақдим этиш, нусха қўчириш ёки ошкор этиш маън этилади.**

**Қўйида имзо чекувчилар юқоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир сақлаш, тарқатмаслик ва маълумот эгаси – ҳусусий мактабраҳбарининг илк талаби билан уни эгасига қайтаришни ўз зиммасига олади.**

**Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_  
м. ў.**

**Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_  
м. ў.**

# ЛОЙИХАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

## ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ:

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар Бойсун кўчаси 23-йда жойлашган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти қошидагихусусий мактабдиректори – \_\_\_\_\_

## ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:

«Ипак йўли банки»“Умар” филиали томонидан “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури асосида тақдим этилаётган имтиёзликредит.

## ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИННИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ:

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти қошида ташкил этилган хусусий мактаб

**ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ  
“ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ ҚОШИДАГИ ХУСУСИЙ МАКТАБ  
РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАҶАМИ:**

«\_\_\_\_\_»«\_\_\_\_\_» 2019 йил, Реестрдаги тартиб рақами № \_\_\_\_\_,  
Гувохнома №\_\_\_\_\_

Самарқанд вилояти \_\_\_\_\_ давлат хизматлари маркази  
тomonидан рўйхаттага олинган

## ХУСУСИЙ МАКТАБНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар Бойсун кўчаси 23-й  
**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

Банк: «Ипак йўли»банк, “Умар” филиали

X/r.: \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО): \_\_\_\_\_

СТИР (ИНН): \_\_\_\_\_

## ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

- Лойиҳа суммаси: 406 910 000 сўм
- Лойиҳада қатнашадиган шахсий маблағ: 1,7 фоиз ёки 6 910 000 сўм
- «Ипак йўли»банк, “Умар” филиали кредити: 98,3 фоиз ёки 400 000 000 сўм
- Кредитловчи ташкилот: «Ипак йўли»банк, “Умар” филиали
- Кредит фоизи: 7 фоиз
- Лойиҳалаштириш муддати: 1 йил**
- Имтиёзли муддат: 1 йил**
- Ўртacha йиллик даромад \_\_\_\_\_ сўм**
- Фаолиятдан олинадиган йиллик ўртacha соф фойда микдори: \_\_\_\_\_**
- Лойиҳанинг соф фойда хисобидан реал оқланиш муддати: 2 йил**
- Лойиҳанинг ўртacha рентабеллик даражаси: \_\_\_\_\_**
- Яратиладиган ишчи ўринлари сони: 16 та

## **ЛОЙИХАДА КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД**

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади ажратилган биносидан унумли фойдаланиш, юртимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш, бўш иш ўринларини ятиш, инвестиция маблағларини самарали ўзлаштириш мақсадида Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар Бойсун кўчаси 23 уйдаги100 ўринга муллажангандан хусусий мактаб муассасасифаолиятини ташкиллаштиришва хизмат кўрсатишдан кредитни қайтариб, тадбиркорлик фаолиятидан фойда кўришдан иборат. Ташкиллаштириш орқали хўжалик фаолиятини кенгайтириш. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлганмаблағлар «**Ипак йўли**»банк, “Умар ”филиалиҳисобидан амалга ошириши режалаштирилган бўлиб, қисқа муддатда рентабеллиги юқори бўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

### **БИЗНЕС ЛОЙИҲАНИНГ ТАВСИФИ**

#### **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида таълимсоҳаси хусусан замонавий, турли йўналишдаги хусусий мактабмуассасалари камлиги ҳамда айрим махалла ва қишлоқларда эса умуман йўқлиги сабабли болалар таълимида камчиликлар ва болалар билим савияси саёз эканлиги кузатилаётган эди.

Аммо, таълимсоҳаси, хусусан хусусий мактаб муассасаларининг хусусийлаштириш ва хар бир махаллада хеч бўлмагандан битта хусусий мактаб муассасасифаолиятини ташкил этиш фаолиятига қаратилган эътибор натижаси ўларок кейинги 1-2 йил ичида соҳада туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликоҳасини тубдан ислоҳқилиш, ишлаб чиқаришқувватларини модернизациялаш ва қишлоқда фермер хужаликлари негизида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ҳамда хизмат кўрсатиш, таълимсоҳасини мамлакатнинг барча худудларида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018-йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш» и ҳамда 2019-йилнинг «Фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланиш” йиллари деб номланиши ва бу борада олиб борилган ишлар натижаси ўлароқ таълимсоҳасига бўлган эътиборнинг кучайиши кузатилмоқда.

Жуда қисқа давр мобайнида мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ахоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш мақсадида жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, ҳалқ билан бевосита мулоқот ўрнатишнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали шаклларини жорий этиш, айниқса, мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларини қамраб олган ҳолда жойларга чиқиб фуқароларни қабул қилиш бўйича кенг қамровли тадбирларни амалга оширишга қаратилган қатор давлат ва худудий дастурлар қабул қилинди.

Жойларда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида, шунингдек, фуқароларимизнинг талаб ва таклифларига биноан қисқа вақт ичида шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида арzon уйлар қуриш, ичимлик сув, иссиқлик таъминоти, канализация тизимларини модернизация қилиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни

таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир дастурлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Давлат органлари фаолияти натижаларини баҳолашда улар томонидан амалга оширилаётган ишлар аҳолининг ҳаёт сифатини қанчалик яхшилаётганига ҳамда маҳалла ва туманларнинг (шаҳарларнинг) ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янада жадаллаштиришга бўлган таъсири етарлича эътиборга олинмаяпти.

Ушбу лойиҳасида хусусий мактаб муассасаси фаолиятини ташкиллаштириб, мактабга билимга чанқоқ, ҳар тамонлама етук ёш ўғил-қизларни етказиб бериш фаолиятини йўлга кўйиш ва ривожлантириш учун **406 910 000** сўм миқдорида инвестиция маблағини ўзлаштиришни кўзда тутган бўлиб, ушбу маблағларбинолар қуриш, бинони жихозлаш ва озиқ овқат маҳсулотлари, идора ашёлари сотиб олиш учун сарфланади. Эвазига эса рентабеллиги юқорибўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

Хукуматнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик негизида хизмат кўрсатиши соҳасинислоҳқилиш ва ривожлантиришга катъий киришганлиги, соҳанингистиқболлари ва кўзланаётган режаларнинг амалга ошишини ҳисобга олиб ушбу лойиҳа молиявий жиҳатдан анча барқарор ва инвестициялар учун самарали дейиши мумкин. Шу сабабли ушбу соҳада иш фаолиятини бошлаётган тадбиркор хукуматнинг солиқ ва бошқа турдаги имтиёзлар билан тўлақонлиқуллаб-куватлашига эришади.

## **ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ**

Жорий йилда хусусий мактаб муассасани ишга туширилиб ва шу билан бирга ҳар бир маҳаллада хеч бўлмагандан битта хусусий мактаб муассасаси фаолиятини ташкил этишга бўлган талабни қондириш борасида қатор тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилади. Бу борада кенг кўламли ишлар бутун Республика буйича олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда таълимсоҳасида кенг кўламлиислоҳотлар ўтказилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Бизнес фаолиятини режалаштиришнинг энг асосий ютуғи шундан иборатки, тўғри ташкил этилган бизнес режа ҳар бир тадбиркор учун энг долзарб масала соҳага инвестиция қилиш жозибадорлиги изохлайди. Ушбу бизнес режа хусусий мактаб муассасасида чет тили инглиз тили, ҳарбий қуниқмалар, каратэ, футбол, кураш ва бошқа спорт турлари ва билим даражасининг яхшиланишини таъминлайди.

Бундан ташқари, ушбу хусусий мактаб муассасасининг ташкил этилиши отаоналар учун хам бир қанча қулайликларни келтириб чиқаради, хусусанхусусий мактаб муассасасининг яқинлиги, болаларнинг хизмат автобуси билан уйидан олиб кетилиши ва олиб келиб қўйилиши ва бошқа шу каби бир қанча қулайликлар мавжуд.

## **Лойиҳани амалга ошириш иккибосқичдан иборат.**

### **1 БОСҚИЧ – Тайёргарлик ишларининг ташкил этилиши.**

**Вақт оралиғи:** 1-2- ойлар.

**Килинадиган ишлар:** Лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниқлаш, лойиҳанинг иктиносидий ҳисоб китоблари, техник иктиносидий асоси ва бизнес режасини ишлаб чикиш. Лойиҳа сметасини аниқлаш.

Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини етказиб берувчи ташкилотлар (Республика худуди ва чет - эл) билан сотиб олиш буйича шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий савдо ташкилотлари билан фаолият йўлга қўйилгандан кейин биринчи чорак учун зарур бўлганолди-сотти хамкорликлар буйича келишувлар олиб бориш. Банк молия муассасаларига ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва лойиҳа самарадорлигини асословчи хужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш ва зарурий ҳолатда кредитни ўзлаштириш.

### **2 БОСҚИЧ: Қурилиш-монтаж ишлари ва инвестицияни ўзлаштириш.**

**Вақторалиғи:** 3-4- ойлар

**Килинадиган ишлар:** Инвестицияни ўзлаштириб лойиҳада кўзда тутилган барча ишларни якунлаш. Яъни бу босқичда аввало бинони таъмирлаш ва хусусий мактаб биноси атрофи тозаланиб, ободонлаштирилади. Бино 4 хонадан иборат бўлибовқатланиш, дарс ўтиладиган хоналардан иборат бўлади. Бу бино Самарқанд шаҳар Бойсун кўчаси 23 уйда жойлашган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти қошида хусусий мактаб очилиши режалаштирилган. Дарс ўтиладиган хоналар 4 та бўлиб, шундан иккитаси 1-4 синфгача болалар, биттаси 5-9 синфгача болалари ва битти 10-11 синфгача болалари, яъни ҳар бир синфда 25 нафар болани ўқитиш режалаштирилган.

## **ЛОЙИҲАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ**

Лойиҳанинг асосий мазмуни Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳарда ҳарбий кўнишка ва чет тиллари йўналишларини ўзида мужассам этган хусусий мактаб муассасасини ташкил этиб тадбиркорлик фаолиятидан фойда кўриш, шунингдек шаҳараҳолисининг ижтимоий жиҳатданқўллаб – қувватлаб, янги иш ўринлари яратишдан иборат.

Стратегик жиҳатдан хусусий мактабкўшимча иш ўринларини яратиб, маҳаллий аҳоли турмуш даражасини яхшилашни, хусусий мактаб муассасаси биноси атрофидаги ерларни ободонлаштириб, худуд инфратузилмаси ривожига ҳисса қўшишни, ободонлаштириш натижасида экология яхшиланишига ҳам ҳисса қўшишни мақсадқилган.

Стратегик жиҳатдан хусусий мактабуз олдига юқорида айтиб ўтилган барча мақсадларга эришишни, ва лойиҳа даврида тўлақонли тухтовсиз ишловчи хусусий мактаб муассасасини яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жиҳатдан энг маъқул мухитни яратишни ва худуд аҳолиси учун юқори сифатли, хаммабоп ва арzon таълимни яратишни мақсадқилиб қўяди.

Хусусий мактаббу мақсадларга эришиш оркали болалар билим савиясининг ва дунё қарашининг ривожланишига ўз хиссасини қўшиш ва шу муддат ичидаги шаҳар, вилоят ва Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллашни, истиқболда

мактабболалар сонини кўпайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага қўшимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида хусусий мактаболдига қўйган барча мақсадларга эришиб, келгуси уч йилликда Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳархусусий мактаб муассасаси сифатида кўзга кўринган корхоналардан бирига айланиб олишниолидаги истиқболли режалардан бири қилиб белгилайди.

## ЛОЙИХА АСОСИГА ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР

Кредитга хариди режалаштирилган маҳсулот умумий қиймати – 400 000 000 сўм.

Фаолиятнинг мазмуни – Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар «**Ипак йўли**»банк “Умар” филиалининг имтиёзли кредити ҳисобидан хусусий мактаб муассасасини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лойихаси.

Лойиха суммаси (киритиладиган инвестициялар ҳисобидан): 400 000 000 сўм

Лойиха муддати – 3 йил. (Шундан 1 йил имтиёзли муддати)

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАВСИФИ

### ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИ ШАРХИ

Режалаштирилаётган тадбиркорлик фаолияти Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар Бойсун кучаси 23 ўйатрофини ободонлаштиришдан бошланади, яъни арча, чинор каби дараҳт кўчатлари экилади.

Нодавлат хусусий мактаб муассасаси биноси 4 та укув хоналаридан иборат

Бундан ташқариота-оналар учун кутиш хонаси хам ажратилиши режалаштирилган.

Нодавлат хусусий мактаб муассасасида ўқувчилар қўшимча харбий куникима, кураш, каратэ, инглиз ва рус тиллари дарсларини хам ўрганишлари мумкин бўлади.

Шу билан бирга, нодавлат хусусий мактаб муассасаси ташкил этишда раҳбарият томонидан кам таъминланган ва ёш оиласарга имтиёзлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Нодавлат хусусий мактаб муассасаси 100 ўринга мўлжалланган бўлиб, шундан 10 ўринни кам таъминланган ва ёш оиласар фарзандлари учун ажратилади ва уларга бир ойлик тўлов суммаси сезиларли даражада пасайтиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисблайди.

### КОРХОНА ҚУВВАТИ

Нодавлат хусусий мактаб муассасаси 100 ўринга мўлжалланган. Болаларнинг ўкув жараёни узлуксиз давом эттирилган тарзда олиб борилади.

Бундан ташқари, кам таъминланган ва ёш оиласар фарзандлари учун имтиёзли ўринлар сони 10 тани ташкил этилган бўлиб, бир ойлик тўлов суммаси эса 650 000 сўмни ташкил этади. Қолган ўқувчилар эса бир ой учун 1050 000 сўмдан тўлов амалга оширилишини режалаштирилган.

**4 - Жадвал. Биройлик таълим бериш қуввати сўмда**

100 % қувватда					
№	Номланиши	Ойлик ХУСУСИЙ МАКТАБда тарбияланадиган болалар сони			
		Ўлчов бирги	Сони	Бир ойлик тўлови	Жами сумма бир ойда
1	Укувчилар (имтиёзли)	киши	10	650 000	6 500 000
2	Укувчилар	киши	90	1 050 000	94 500 000
3	Харбий куникмалар дарси	киши	40	120 000	4 800 000
4	Кураш тўгараги (Кўшимча)	киши	20	100 000	2 000 000
5	Инглиз тили тўгараги (Кўшимча)	киши	30	80 000	2 400 000
6	Рус тили тўгараги (Кўшимча)	киши	70	60 000	4 200 000
7	10-11синф хайдовчилик курслари	киши	25	60 000	1 500 000
<b>Жами</b>				<b>115 900 000</b>	

**Қувватларнинг ишга туширилиши**

**Сўмда**

1 йилда	Нарҳ усиши - 0%	Қувват=			95 %	
№	Номланиши	ЙилликХУСУСИЙ МАКТАБда тарбияланадиган болалар сони				<b>Жами</b>
		Ўлчов бирлиги	Сони	Бир ойлик тўлови	Йиллик тўлови	
1	Укувчилар (имтиёзли)	киши	10	650 000	7 800 000	78 000 000
2	Укувчилар	киши	90	1 050 000	12 600 000	1 134 000 000
3	10-11 синф хайдовчилик курси	киши	25	60 000	720 000	18 000 000
4	Кураш тўгараги (Кўшимча)	киши	20	100 000	2 000 000	40 000 000
5	Инглиз тили тўгараги (Кўшимча)	киши	30	80 000	960 000	28 800 000
6	Рус тили тўгараги (Кўшимча)	киши	70	60 000	960 000	67 200 000
7	Харбий куникмалар	киши	20	60 000	720 000	14 400 000
<b>Жами</b>				<b>1 380 400 000</b>		

						сүмда
2 йилда	Нарх усиши - 10%		Қувват		100%	
№	Номланиши	йилликХУСУСИЙ МАКТАБда тарбияланадиган болалар сони				
		Үлчов бирли ги	Сони	Бир ойлик тўлови	Йиллик тўлови	Жами
1	укувчилар (имтиёзли)	киши	10	715 000	8 580 000	85 800 000
2	укувчилар	киши	90	1 155 000	13 860 000	1 247 400 000
3	10-11 синф хайдовчилик курси	киши	30	66 000	792 000	23 760 000
4	Кураш тўгараги (Кўшимча)	киши	25	110 000	1 320 000	33 000 000
5	Инглиз тили тўгараги (Кўшимча)	киши	30	88 000	1 056 000	31 680 000
6	Рус тили тўгараги (Кўшимча)	киши	70	88 000	1 056 000	73 920 000
7	Харбий куникмалар	киши	40	66 000	792 000	31 680 000
Жами ишлаб чиқариш қиймати						<b>1 527 240 000</b>

3 йилда	Нарх усиши - 16%		Қувват=		100%	
№	Номланиши	йилликХУСУСИЙ МАКТАБда тарбияланадиган болалар сони				
		Үлчов бирли ги	Сони	Бир ойлик тўлови	Йиллик тўлови	Жами
1	Укувчилар (имтиёзли)	Киши	10	830 000	9 960 000	99 600 000
2	Укувчилар	Киши	90	1 340 000	16 080000	1 447 200 000
3	10-11 синф хайдовчилик курси	Киши	40	77 000	924 000	36 960 000
4	Кураш тўгараги (Кўшимча)	Киши	25	128 000	1 536 000	38 400 000
5	Инглиз тили тўгараги (Кўшимча)	Киши	30	102 000	1 224 000	36 720 000
6	Рус тили тўгараги (Кўшимча)	Киши	70	102 000	1 224 000	85 680 000
7	Хайрбий куникмалар	Киши	30	77 000	924 000	27 720 000
Жами					<b>1 772 280 000</b>	

## ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 16 кишини ташкил қиласиди. Шундан маъмурият ходимларининг сони 2 тани ташкил қилиб, қолган 14 киши ишчилик тувшилар ва ишчи хизматчилардан иборат бўлади.

Маъмурий ходимлар таркиби бу корхона раҳбари ва хисобчиidan иборат бўлади.

Ўқитувчилар ва ишчи – хизматчи ходимлар таркиби эса жами 14 нафардан иборат бўлиб, яъни 2 нафар 1-4 синф ўқитувчиси, 1 нафар 5-9 синф ўқитувчиси, 1 нафар 10-11 синф ўқитувчиси, 2 нафар инглиз тили ўқитувчиси, 2 нафаррус тили ўқитувчиси, 1 нафар компьютер ўқитувчиси, 1 нафархарбий куникма мураббийси, 1 нафаркураш мураббийси, 1 нафархайдовчилик курси ўқитувчиси, 1 нафар болалар шифокори, 1 нафар фаррошларданиборат бўлади.

Ишчиларнинг иш вақти 10 соатлик иш куни тартибида ташкил этилади, яъни эрталаб соат 8:00 дан кеч соат 18:00 гача (тушлик 13:00 дан 14:00 гача) иш вақти хисобланади.

(Каранг: хисоб-китоби Молиявий бўлум, 13- жадвал)

**ИШЧИЛАРГА КҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА ҚАЛРЛАР ДАСТУРИ**

Таълим бериш жараёни сифатли бўлиши учун режалаштирилаётган фаолият малакали ишчи кучи ва билим талаб қиласиди. Шу сабабли, ишга олинадиган ходимларга қуидаги талаблар қўйилади. Жумладан:

- 1. Маъмурият ходимларига қўйиладиган талаблар:** олий маълумот, мутахассисликнинг иш лавозими ва мажбуриятларига мослиги, айнан шу ёки шунга ухшаш соҳада камида икки йил давомида ишлаган бўлиши, виждонийлик ва одамийлик сифатлари талабга жавоб бериши керак.
  - 2. Ишчи-хизматчи ходимларга қўйиладиган талаблар:** энг камида ўртамаксус маълумотнинг мавжудлиги, соҳа ишини тушунган бўлиши ва шунга ўхшаш соҳада камида бир йил фаолият кўрсатган бўлиши керак.

Булардан ташқари, тартиб-интизом, ростгуйлик, инсоф ва хакконийлик, махаллий халк анъаналари ва удумлари билан танишлиқ, биттадан ортиқ тилни билишлiği каби сифатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Корхона томонидан кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш, уларнинг ижтимоий сиёсий фаровонлигини оширишга хам катта эътибор бериш режалаштирилган. Бунинг учун ўкув-малака амалиётлари, айни ёки ўхшаш фаолият турида амалиёт ўташ (Ўзбекистон худудида ва чет-элда), малакали мутахассислар кўмагида тушунтириш ва ўқитиш ишларини ташкил қилиш, тадбиркорлик ва бошкарув амалиёти буйича малака ошириш ишларини ташкиллаштириш, ходимларни муносиб рағбатлантириб туриш каби ишлар режалаштирилган.

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек таъмирланиши мўлжалланаётган корхона учун ажратилган бино барча энерготаъминот тизимларига уланиш имконияти мавжуд.

Электроэнергия сарфи асосан биноларни ёритиш учун сарфланади. Шу сабабдан корхонанинг кунлик электроэнергия ресурсларига бўлганталаби 3,2 кВт ва йиллик сарф миқдори 1168 кВт.ни ташкил этади.

Электроэнергия таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ойма-ой олиб борилади.(Каранг: 14- жадвал)

# ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ


## ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРҲ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Хусусий мактабмаънавийбозордаги талаб таклифдан кўпроқ бўлиб, бунга йил давомида таълим сифати тўлиқ реализацияси ва ички бозордаги нарҳларнинг меъёрий нарҳлардан анча юқорилиги далил бўла олади.

Соҳанинг кейинги ун йиллик ичидағи ривожланиши таклиф сонининг кескин ортишига ва аҳолини эхтиёжини қондирилишига эришилаётган бўлганлигига қарамасдан ушбу сифатли таълимгабўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормоқда.

## **Талаб ва таклиф мутаносиблиги.**

## Махсулот хажми (Q)



## Шартлы белгилар:

## *Q – Бозорға олиб чиқилган маҳсулот*

## P – Сотилган маҳсулот нафҳи

Тө – маҳсулотга бўлган потенциал талаб

## *Тұф – маңсұлоттың потенциал тақлиғи*

О – Талаб ва тақлифнинг оптимал ҳолат  
(нарҳ ва маҳсулот миқдорининг оптимал  
наминишни ишламиш).

Б – бүсүнги кундаги ички бозоридаги юкори нарх  
ва маҳсулот микдорининг камлигини изоҳловчи  
юнита.

$d\Omega$  – етими маётган махсузот мигдефи.

## ПОТЕНЦИАЛ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЬСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида ахолининг сифатли таълимгабўлган харид қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу хизматга эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлишига қарамасдан республика миқёсида йиллик катта потенциал талаб мавжуд.

**Потенциал талабга қуидаги омиллар үз таъсирини үтказади:**

- Бозорда таклифнинг талабдан кам бўлиши (махсулот дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин қўтарилишига, аҳолининг дефицитга айланган махсулотга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.
  - Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши истеъмол товарлари харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва

аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий ахволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади.

- Ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий мухитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир қилади.
- Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки турушни потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.
- Юқоридаги омилларга ўхшаш яна кўплаб сиёсий ахвол, иктисадий танглик ва мафкуравий ўзгаришлар, уруш ва форс – мажор холатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий оғатлар хам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

## SWOT (АЗИТ) ТАҲЛИЛИ

5 – жадвал.

<b>Афзалликлар (Strengths)</b>	<b>Заифликлар (Weaknesses)</b>
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Янги замонавий технология.</li> <li>2. Нарҳ ва таннарҳнинг нисбатан пастлиги.</li> <li>3. Мақсад аниклиги ва мақсад сари интилевчанлик</li> <li>4. Юқори сифат</li> <li>5. Кредит фоизларининг нисбатан солиштирма пастлиги ва солик имтиёзларининг мавжудлиги</li> <li>6. Рақобатбардошлилик</li> <li>7. Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик.</li> <li>8. Ва. х. к.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ташқи омилларга таъсирчанлик, махсулот яроқлилик муддатининг озлиги</li> <li>2. Дастребаки босқичларда хорижий валюталар курсининг ишлаб чиқариш ва савдо – фаолиятига таъсири.</li> <li>3. Истеъмолчилик ва харидорлар ишончини ва ишлаб чиқариш кўникмасини шакллантиришда юзага келадиган яйинчиликлар</li> <li>4. Дастребаки босқичда бозорнинг яаттия рапоратига таъсирчанлик</li> <li>5. Об хаво шароитлари ва хосил холатига боғликлек. Ва. х. к.</li> </ol>
<b>Имкониятлар (Opportunities)</b>	<b>Тусиклар (Treats)</b>
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Четдан қўшимча инвестициялар киритиши имкони мавжудлиги</li> <li>2. Ўз савдо шахобчаларини очиб, улар оркали махсулот сотишни йўлга кўйиш имкони мавжудлиги</li> <li>3. Нарҳ (камайтириш ва кўпайтириш потенциали фойдаланиш мавжудлигидан)</li> <li>4. Ва. х.к.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Юзага келиши мумкин бўлганғирром рақобат</li> <li>2. Дастребаки вақтда бозорга чиқиш ва махсулотни сотиш ишларини ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар.</li> <li>3. Ва. х. к..</li> </ol>

## **МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ**

Ушбу бўлимда ҳудудий бозорларда ва бошка ҳудудларда ХУСУСИЙ МАКТАБ фаолиятини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади.

ХУСУСИЙ МАКТАБнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун корхона фойдасига салбий таъсир кўрсатмасдан имкон қадар дисконт нархлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар харид миқдори юқори бўлса) режалаштирилган.

Унданташқари,ХУСУСИЙ МАКТАБ раҳбарихусусий мактаб муассасасини ташкил этишда кам таъминланган ва ёш оиласарга имтиёзлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Нодавлат Хусусий мактаб муассасаси 100 ўринга мўлжалланган бўлиб, шундан 10 ўринни кам таъминланган ва ёш оиласар фарзандлари учун ажратиб уларга фарзандининг бир ойлик тўлов суммасини қолган90 нафар ўқувчиларнинг бир ойлик тўлов суммасига нисбатан сезиларли даражада пасайтиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблайди.

## **ЛОЙИҲАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

### **8-жадвал. Лойиҳатўғрисидақисқача маълумот**

Лойиҳанинг номланиши	<b>Самарқанд вилояти, Самарқанд шахар Ипак Йули банкининг ажратадиган кредитидан фойдаланиб спорт, ҳарбий қуникма, хайдовчилик курси ва чет тиллари йўналишларини ўзида мужассам этган хусусий мактаб муассасаси фаолиятини ташкил этиш лойиҳаси</b>
Лойиҳа суммаси	406 910 000 сўм
Лойиҳа иштирок этадиган шахсий инвестиция	6 910 000 сўм
Лойиҳада катнашадиган кредит миқдори	400 000 000 сўм
Лойиҳада режалаштирилаётган Ўртacha йиллик соғ фойда	<b>38 350 000</b> сўм
Лойиҳа муддати	3 йил
Лойиҳанинг реал оқланиш муддати	2 йил
Лойиҳани режалаштириш санаси	2019йилнинг март-апрел ойлари
Лойиҳа ташаббускори	<b>«_____» ХУСУСИЙ МАКТАБ</b>
Лойиҳа ташаббускорининг манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқандшахар Бойсун кучаси 23 уй
Лойиҳа ташаббускорининг телефон рақами	_____

# УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ

## Жадвал № 9. Кредит маблағларининг сарфланиши ва молиявий харажатлар

<b>А. Кредит ҳисобига харид қилинаётган маҳсулот</b>					
<b>№</b>	<b>Маҳсулот номи</b>	<b>Ишлаб чиқарувчи ташкилот, модели</b>	<b>Сони (дона)</b>	<b>Режалаштирилаётган харид нархи (сўм)</b>	<b>Жами қийматсўмда</b>
1	Бинонитаъмирлаш ишлари	X	Комп	70 000 000	70 000 000
2	Пардозлаш ишлари	X	Комп	20 000 000	20 000 000
3	Ободонлаштириш ишлари	X	Комп	10 000 000	10 000 000
<b>Жами :</b>					<b>100 000 000</b>
<b>Жихозлаш харажатлари</b>					
1	Мебел уқитувчилар столи	Дона	7	2 000000	40 000 000
2	Доска	Дона	4	700000	2 800 000
3	Укув куроллари	Дона	1 000	5 000	50 000 000
4	Тумбочка (шкафча)	Дона	50	400000	20 000 000
5	Стол ва стул (ўқув машғулотлари учун) 2 кишилик	Комп	40	800000	32 000 000
6	Стол ва стул (кутиш зали ва ходимлар хонасига)	Комп	10	400000	4 000 000
7	Стол ва стул (Овқатланиш учун)	Комп	20	1 400000	28 000 000
8	Компьютерлар	комп	10	3 000 0000	30 000 000
9	Кичик совуткич (Холодильник )	Дона	1	7 000000	7 000 000
10	Катта совуткич	Дона	2	10 000000	20 000 000
11	Кондиционер Артел	Дона	7	4 457000	31 200 000
12	Телевизор	Дона	4	2 000000	8 000 000
13	Газ плита	Комп	3	6 000000	18 000 000
14	Гилам	дона	9	1 000 000	9 000 000
<b>Жами :</b>					<b>300 000 000</b>

В. Кредитнинг гаров таъминоти				
Кредит суммаси	400 000 000		Гаров таъминоти суммаси	500 000 000
Гаров характеристикаси				
Мулк тури	Мулк эгаси	%	Жами қиймати (сум)	Гаровга куйилаётган қиймат (минг сум)
Самарканд шаҳарда жойлашган савдо маркази биноси		100 %	250 000 000	300 000 000
Самарканд шаҳрида жойлашган укув биноси		100 %	150 000 000	200 000 000
<b>ЖАМИ</b>		<b>100 %</b>	<b>500 000 000</b>	<b>500 000 000</b>
С. Кредит гаров таъминотини суғурталаш				
Суғурталаш характеристикаси		Йиллик суғурта тўлови	Суғурталанаётган сумма	Суғурта мукофоти
		<b>0,87%</b>	<b>500 000 000</b>	4 350 000
Д. Инвестцион фаолият олди молиявий харажатлари				
Молиявий харажат тури	%	Сум		
Руйхатга олиш тўлови (нотариус)	0,15%	600 000		
Суғурта мукофоти	Биринчи йил	4 350 000		
Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	0,15%	600 000		
Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар	0,34%	1 360 000		
<b>ЖАМИ</b>	<b>X</b>	<b>6 910 000</b>		

#### Жадвал № 10. Умуминвестицион харажатлар ва молиялаштириш манбаалари

А. Лойиҳанинг умумий қиймати			
№	Кўрсаткичларнинг номланиши	Махаллий валюта (сўм)	Хиссаси (%)
1	Бино таъмирлаш ишлари, пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари	100 000 000	25%
2	Жихозлаш харажатлари	300 000 000	75%
<b>ЖАМИ</b>		<b>400 000 000</b>	<b>100 %</b>
4	Руйхатга олиш тўлови (нотариус)	600 000	0,15%
5	Суғурта мукофоти	4 350 000	Биринчи йил
6	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	600 000	0,15%
7	Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар	1 360 000	0,34%
<b>ЖАМИ</b>		<b>6 910 000</b>	<b>X</b>
<b>ЖАМИ ЛОЙИҲАНИНГ БОШЛАНГИЧ ҚИЙМАТИ</b>		<b>406 910 000</b>	<b>X</b>

## В. Молиялаштириш манбаалари

№	Кўрсаткичларнинг номланиши	Шахсий маблағ иштироқи	кредит иштироқи
